

БУНЁДКОР

● *Меҳнат қилган — элда азиз*
● *Яна бир гўзал иншоот*

Тошкент метроси, унинг бири бирдан гўзал, бетакрор бекатлари нафақат шахримиз аҳолисини, балки хориждан пойтахтимизга келган меҳмонларни ҳам мафтун этганлигининг кўп бора гувоҳи бўламиз. Ана шундай дамларда шахримиздаги гўзал ер ости қасри одамларимизга беминнат хизмат кўрсатаётганидан, унинг ўзига хос безатилган ҳар бир бекатининг жозибасидан фахрланиб кетасан киши ва иншоотни бунёд этишда матонат кўрсатган қўли гул метро қурувчиларига раҳматлар айтасан.

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

Ота касбини улуғлаб

Ўқубжон Испандиёров тажрибали ва муҳир метросозлар орасида 25 йилдан буён меҳнат қилиб, ҳурмат-эътибор топаётган, ҳалол хизматини эл-юрт фаровонлиги, шахримиз ободлиги йўлида сарфлаётган бунёдкорлардан биридир. Бир сўз билан айтганда у касбига меҳри туфайли қадр ва эъзоз топан инсондир. Шу боис ҳам илгор бунёдкор, «Тошметроқурилиш» трести 2-туннел отрядининг проходкачиси (ер қазувчи) Ёқубжон Испандиёров Президентимиз Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» шарафли унвонига сазовор бўлиб, Албатта, бундай муқофотга сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало жамолада ўрнатилган ҳақдорлик, ҳамкасблар эътиборини қозониш, қисқаси эса меҳнат қилиш, сифатли ва баракали ишлаш лозим.

Ўқубжон учун қурувчилик ота касб. Отаси Аҳмадиёр Испандиёров ҳам бунёдкорлар сафидан қайтган эса меҳнат қилган. Шу боис бўлса керакки, ўғил ҳам шу ҳунарга ихлос қўйди. Аскарлик сафидан қайтган эса 29-қурилиш бошқармасида дуралгор бўлиб ишлай бошлади.

Ўқубжон Испандиёров тажрибали ва муҳир метросозлар орасида 25 йилдан буён меҳнат қилиб, ҳурмат-эътибор топаётган, ҳалол хизматини эл-юрт фаровонлиги, шахримиз ободлиги йўлида сарфлаётган бунёдкорлардан биридир. Бир сўз билан айтганда у касбига меҳри туфайли қадр ва эъзоз топан инсондир. Шу боис ҳам илгор бунёдкор, «Тошметроқурилиш» трести 2-туннел отрядининг проходкачиси (ер қазувчи) Ёқубжон Испандиёров Президентимиз Фармонига кўра Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» шарафли унвонига сазовор бўлиб, Албатта, бундай муқофотга сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало жамолада ўрнатилган ҳақдорлик, ҳамкасблар эътиборини қозониш, қисқаси эса меҳнат қилиш, сифатли ва баракали ишлаш лозим.

Ўқубжон учун қурувчилик ота касб. Отаси Аҳмадиёр Испандиёров ҳам бунёдкорлар сафидан қайтган эса меҳнат қилган. Шу боис бўлса керакки, ўғил ҳам шу ҳунарга ихлос қўйди. Аскарлик сафидан қайтган эса 29-қурилиш бошқармасида дуралгор бўлиб ишлай бошлади.

Ўқубжон Испандиёровнинг меҳнат йутуқлари, албатта, қадрдон оиласини ҳам бефарқ қолдирмайди. Чунки оила бошчилигини меҳнатда ўрнак бўлишида турмуш ўрғони Муридда ва 4 нафар ўғил-қизининг ҳам муносиб улуси бор.

Фарзандларимнинг ҳам билимли, меҳнатсевар бўлишини орзу қиламан, — дейди бунёдкор ният қилди. — Улар ҳам мустақил юртимиз равақига муносиб ҳисса қўйиши. Зеро, обод Ватан келажиги фарзандларимиз қўлида. Юксак унвон эса мена ҳамisha куч-ғайрат бағишлайди. Насиб этса, «Юнусов» йўналишини кейинги бекатларида ҳам бунёдкорлик маҳоратини намойиш этаман.



Дилноза ФИЁСОВА СУРАТДА: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Ёқубжон Испандиёров.

ТАНЛОВЛАР

Конституциямиз — бахтимиз пойдевори

Шахримизнинг Яқсарой туманида жойлашган 25-ёрдамчи мактабда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамгармаси ҳамда шаҳар «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг кўшма қарорига асосан «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» мавзусида шаҳар кўрик-танлово голибларини тақдирлаш ҳамда ана шу голиб ўқувчилар кўргазмаларининг очилиш маросими ўтказилди.

Ушбу кўрик-танлов тўрт босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич апрель ойида мактаб, боғча, маҳаллаларда, иккинчи июль ойида туманлар миқёсида ҳамда учинчи босқич сентябрь ойида ўтказилиб, кўрик-танловнинг шаҳар босқичи голиблари аниқланди. Биринчи босқичда бўлиб ўтган танловда ўқувчилар 9510 дан орტიқ иншо, 26945 та баён, 31730 та диктантлари билан иштирок этидилар. Тасвирий санъат йўналиши бўйича эса 40 мингга яқин ўқувчи ўз санъат намуналари билан қатнашди. Ана шулардан 150 га яқин тасвирий санъат ҳамда юзга яқин ишонлар ижодий баҳолашиб, булар орасидан 14 таси учинчи босқичда, яъни шаҳар кўрик-танловинида голиб деб топилдилар. Ана шу голиб ўқувчилар Республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловнинг тўртинчи босқичида иштирок этидилар.

Мақсадимиз ўқувчилар билиmini ошириш, Конституциямиз мазмун-моҳиятини болаларга боғча ёшдан ўргатиш, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси маънавият бўлимининг етакчи мутахассиси Саида Абдурахмонова. — Шунингдек, ёшларнинг ана шундай энг яхши ижодий ишларини муносиб баҳолаш, тасвирий воситалар орқали ёритиш, тарғиб қилишдан иборатдир.

Кўрик-танлов сўнгида голиб ўқувчилар Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамгармаси ҳамда шаҳар «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Дилором ИКРОМОВА

Кўшнларимизнинг ҳоли не кечаётгани бизни заррача ташвишлантормаса — қандай қилиб тартиб бўлинсин? Иситиш тармоқидagi сувни хонани яхшироқ иситиш учун каналзацияга оқизиб қўйиш ҳоллари-чи? Бу неъматларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан муҳайё бўлмаслиги, энг муҳими — қатта-қатта маблағлар, қатта куч ва техникани ишга солиш эвазига уларга эга бўлиб ўтир-ганимизни ўйлаб қурагимизми? Уларнинг чексиз-чегарасиз эмаслиги, тугаб қолиши ёки ҳаммага етмай қолиши мумкинлиги ҳақида? Бизга бойваччалар, сарфласак сизнинг пулингизга эмас, ўз пулимизга сарф-флаямиз, дея кўркакларига уришлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин исрофгар-чиликка йўл қўйиш, мамлакат, халқ бойли-гини беҳуда «қўққа соғуриш»га ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ахир!

КОММУНАЛ ХИЗМАТ

Ҷар биримиз масъулмиз

қаватли уйлardan 4 минггаси капитал таъмирга муҳтож экан. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш масаласи тўла ҳал этилмаган. Кўпчилик иссиқлик узатиш станциялари, 161 километр узунликдаги иссиқлик тақсимлаш қувурлари, қариб 40 километр магистрал тармоқлар янгиладини керак.

Иккинчи томондан электр энергияси, газ ва сув сарфида тежамкорлик аҳолининг шу мақсадларга харажатларини ҳам 2-3 баравар камайтириши турган гап. Демак, ушбу асослар тезроқ ўрнатилишдан сиз билан биз ҳам бевосита манфаатдоримиз. Балки шунда аҳолининг сув ва иссиқлик манбаларида фойдаланганлиги учун тўловлар бўйича қарзлари (шу йил июль ойида бу қарзлар 3,7 миллиард сўмга етган) кескин камайган бўлармики ёки умуман қарздорликка барҳам берилармики?

Кўриниб турibdiki, бу ишлар жуда катта маблағ ва куч, ресурслар талаб қилади. Президентимиз бу мураккаб муаммони босқичма-босқич ечиб бориш йўллари аниқ белгилаб берди. Маблағларни давлат томонидан йирик меҳнат жамоалари, ташкилотлар билан ҳамкорликда топиш йўллари белгиланди. Зарур имконият ва молиявий манбаларни излаб топшига қарор қилинди.

Шунинг учун ҳар бир тошкентлик фуқаро иссиқлик-ёқилги захиралари, ичимлик сув хондонларимизга етиб келгунча давлат томонидан жуда катта маблағлар сарфлаиниши, бу маблағлар эса халқнинг — яъни ўзимизнинг пешона теримиз билан бунёдга келишини чўқур тушуниб олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, уй-жойлару шахсий, хусусий ва давлат мулки, қўшиннинг автомобиль-юй жиҳозлари — ҳамма-ҳаммаси йиғилиб, миллий бойлигимизни ташкил этади. У кимга тегишлилигидан қатъи назар, ҳаммамиз тежамкорлик ва масъулият билан сарфлашимиз керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, аввало имконияти бор ҳар бир хондон газ ва сув улачи-ларни кечиктирмай ўрнатилишга харажат қилиши аниқ муддаодир. Имконият бўлмаганда эса хондон соҳибининг виждони, жамият олдидagi масъулият ҳисси вақтинча энг яхши ўлчagич ролини бажариши мумкин. Шунинг учун «тома-тома кўл булур» деб бекорга уйдилмаган. Ҳар бир уй, ҳар бир хонда тежаб қолганин бир литрлаб сув, киловатт электр энергияси, куб метр газ жамланса — қатта-қатта ҳажмдаги захиралар пайдо бўлади. Шунларга сарф бўладиган давлат маблағлари алоҳи ижтимоий химоёси билан боғлиқ, бошқа соҳаларга сарфланади. Узингиз тежаб қолган маблағлар эса зггуликларингизга хизмат қилади.

«Қарс — икки кўлдан» деганларидек, давлат ва мутасадди ташкилотлар бир томондан, истеъмолчиларнинг кенг табақаси — аҳоли иккинчи томондан фаол харажат қилсак, ҳар шубҳасиз, шаҳар ободлиги, хондонларимизнинг фаровонлиги истиқболлари кўз ўнгимизда тезроқ намоён бўлади, кўзланган марраларга анча тез етиб оламиз.

Саид ВАЛИЙ

ЯНГИ НАШРЛАР

Университетда ўқиган кадрдон дўстларимдан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли муннақид Маҳмуд Саъдий хизмат юзасидан «Оқшом» таҳририятига келиб қувонч билан шундай деди:

лиши, саҳифаланиши, ундаги материалларнинг маъно-моҳиятини синчиқлаб ўрганиб, ижодкорларнинг ижодий парвозлар сари шайланганлигини амин бўлди. Худди ана шундай фикрларни Ўзбекистон Миллий университетини журналистика факультети талабаси Соҳибжон Ёқубов илгари сўраб экан, «Тил ва дунё» ҳам суҳбатдош, ҳам сирдош бўлиш билан биригил урфонга, англистикага эга бўлишигиз учун кўмак беражаклигини, унинг ўқилиши мақолалари, чуқур таҳлилий материаллари, қизиқарли саҳифалари, жазотхоний зериктириб қўймаслигини алоҳида таъкидлаб, газетанинг ўз муҳлислари қалбидан мустаҳкам ва ишончли ўрин олишига ишонч билдиради.

Шунинг ҳам қувонч билан таъкидлаш керакки, газетанинг берилган мақолалар тиник-пухта, қувонarli томони шундаки, бу мақолаларнинг барчаси талабаларнинг. Хусусидан Нуров, Мунира Умарова, Зўра Бобоҳўжаева каби халқаро журналистика факультетининг талабалари ёзган мақолаларни бир эмас, бир неча марта ўқишга сизда ҳавас уйғонади. Чунки уларнинг мақолалари сизни чўқур ўйга толдиради, фикрлашга қорлайди. Халқаро журналистика факультетини талабаси Баҳодир Ёлибеовнинг газалларини ўқисангиз, уни кўпчилик ёшларимиздан ажратиб турадиган фазилати мумтоз адабиётимизда бўлган меҳр-муҳаббати эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Ўз вужудингизга таваққур айлангил, Ҳар не истарсен ўзундан истагил!
Дарҳақиқат, газетанинг ижодкорлари юқоридagi мисралар орқали ўз мақсадларини аён қилганлар. Шу босидан «Тил ва дунё» ҳақида биринчилардан бўлиб «Маърифат», «Моҳият», «Хурият», «Туркистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари ўзларининг илик сўзларини айтиб, яхши ният билдирганликлари, Ўзбекистон телевидениеси ва республика радиоси орқали ушбу нашрнинг алоҳида эътибор этилиши кўнглини қувонтирди ва бу ерда ишлаётган ҳамкасб дўстларнинг ишга ижодий ва масъулият билан ёндошгаётганликлари кишида ҳавас уйғотади.

Биз газетани бош муҳаррири Маҳмуд Саъдийнинг «Оқшом» таҳририятига келиб, топ этилган «Тил ва дунё» газетасини тақдим этгани ва ана шу сабаб билан ушбу газетани хусусида кўнглимизда кечган дастлабки илиқ таассуротларни шу ерда муктасар этган ҳолда «тил ва дунё»чи ҳамкасб дўстларимизга ижодий зафарлар, янги илҳомлар тилиб қоламиз.

Хондмир СОЛИХОВ

Мусиқа қасри



Қўллаб етук санъаткорларни етиштириб чиқарадиган ушбу мусиқа қасрини куришда пойтахтимиздаги «159-трест» ҳамда «Туронмарказқурилиш» ҳиссadorлик жамиятларининг минг нафарга яқин бунёдкорлари аҳдликда фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда қал ростлаган 3 та ўқув биносидagi факультет ва кафедралар учун лекция аудиторияларида ҳамда мусиқа тинглаш, дам олиш хоналарида, кутубхонаошхоналарида ички безаш ишлари қизғин тус олган. Бу ерда вақтдан, материаллардан оқилона фойдаланган ҳар бир хонага эгаси — сувюкчи, бўёқчи, дуралгор, электрчи, сантехник — барча-барчаси кўркам кошонани тез ва соз бунёд этиш ниятида тер тўкишмоқда.

Жамоамизда меҳнат қилаётган қурувчиларнинг деярли 70 фоизи консерватория қурилишида меҳнат қилмоқда, — дейди «159-трест» ҳиссadorлик жамияти бош муҳандиси Шухрат Тоиров. — Бош пудратчилар ҳамда ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг ҳамжихатликлари меҳнатининг Абай кўчаси янада файзли бўлади. Муҳташам иншоот хоналаридан эса мусиқанинг жарангдор оҳанги тинмайди.

нати асосида 4 та корпусда, орган, театр, камер ва репетиция залларида тиклаш ишлари ниҳояланиб, пардозлаш юмушлари фаолият асосий эътибор қаратилган. Барча ишлар билан бир қаторда ободонлаштириш ҳам олиб боришмоқда. Албатта, сифатга мўҳим аҳамият бераётишимиз. Негаки, ушбу санъат кошонаси фойдаланишга топширилган, унда ҳам бўлувчи санъат аҳли билим олади, ҳам мусиқа ижодиёти ва ижрочилиги ривожланган, миллий маданиятимизни тарғиб этишга маскан бўлади, мамлакатимиз фахри саналими ажойиб санъаткорлар етиштириб чиқади.

Қурилишни кузатар экансиз, ҳар бир қурувчи сидқидилдан ўз вазифасини бажарётганлигининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, илгор сувюкчилар Баҳодир Юсуфалиев, Гафур Исмоилов, бўёқчилар Юсуф Рашидов, Фахриддин Тожиев, дуралгор Илдош Мамадалиев, ҳиссadorлик жамиятига қарашли кичик механизация бошқармаси ишчилари Азиз Шоакбаров, Илҳом Жабборовлар бор маҳоратларини ишга солиб пардоз ишларида фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг меҳнатлари эвазига бино кундан-кунга кўзга ташланмоқда.

Дилдора ФАНИЕВА СУРАТЛАРДА: консерватория биносининг бугунги кўриниши; «Туронмарказқурилиш» акциядорлик жамиятининг пардозловчилари Фахриддин Тожиев ва Рустан Асатуллаевлар сидқидилдан ишлашмоқда; мусиқа қасри фойдаланишга топширилган шундай кўринишда бўлади. Тоҳир Ниъматуллин олган суратлар.

Шарафли бурч

Ҳеч қандай жамиятни, умуман, дунёни аёлсиз тасаввур этиш ақлга тўғри келмайдиган иш. Чунки, ҳар бир қадимимиз, ҳар бир лаҳзамиз аёл билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам ун ардоқлаш, эътироф этиш, жамиятдаги ва оиладаги ўрнини, макенини тўғри баҳолаш, меҳнатини енгиллаштириш аёлни рағбатлантириши, кайфиятини кўтариб янада илҳомлантириши турган гап.

Ҳар бир давлатнинг, халқнинг маданияти унинг аёлга бўлган муносабатининг қай даражада эканлиги билан ўлчанса.

Бутун оламга юз тутиб бораётган Ўзбекистонда аёлга эътибор ва ғамхўрлик мустақилликнинг илк кунларидан бошланган десак янгиликмаган бўлмас. МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб, 1993 йили биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени тасвир этилдики, натижада аёлнинг қадри, обрў-эътибори янада ортди. Юртбошимиз ташаббуси, ҳукуматнинг тўғри аёлга енгиллик ва қўлайликлар яратилиб, унинг ижтимоий ҳаётидаги иштироки фаол тус олди, жамият ва оиладаги макен ўсди. Аёллар ҳаёти ва турмушини яхшилашга доир қатор фармонлар эълон қилиндики, буларнинг бари аёлни ҳам жисман, ҳам руҳан соғломлаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг мақомини ошириш, уларнинг турмуши ва фаолиятини яхшилаш, жамиятда амалга оширилаётган ишловларга иштирокчини, наққарон авлодини тарбиялашдаги ролини кучайтириш, мамлакат истиқболини барпо этишдаги битмас-туганмас салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Оила, аёллар ва Соғлом авлод йилларида амалга оширилган Давлат дастури хотин-қизларнинг мамлакат сийосий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги, жамиятимиз турмушининг маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш-

даги мақоми ва макенини оширди. Ушбу кенг миқёсдаги ҳаракат бутун — оналар ва болалар йилида ҳам фаол давом эттирилмоқда.

Аёлни соғломлаштириш — мустақил республикамизнинг устувор вазифаларидан биридир. Бу ишга бизнинг жамоа — Сергели туманидаги 1-акusherлик мажмуи шифокорлари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётганлар.

Туғруқхонамиз 190 ўринли бўлиб, шундан 25 таси кундузги шифохона ихтиёрида. Кундузги шифохонада асосан касали енгил ҳамда ёш боласи ва оиласига қарашиб турадиганлари бўлмаган аёллар даволанишади.

Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва туман ҳокимлиги ёрдамида қон қуйиш бўлимини ташкил этдик. Шунга ҳам бир йил бўлди. Донорларни жалб этиш билан жиддий шуғулланамиз. Мактаблар, маҳаллалар, ташкилот ва корхоналарда ташвиқот ишларини олиб бораемиз. Натига шу бўлдики, бугун туғруқхонани қон билан таъминлашдан ташқари, шаҳардаги қатор туғруқхоналарга ҳам қон етказиб бермоқдамиз...

Бизда 9та туғруқ зали бўлиб, уларнинг ҳар бири икки хонадан иборат. Ёш оналар мактаби алоҳида хонага жойлашган ва зарур адабиётлар, плакатлар ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Мактабда асосан илк фарзанд кўриш олдига турган аёллар билан суҳбатлар, савол-жавоблар ўтказилади.

Халқимизда етти пушт деган ибора бор. Яқин қариндошлар никоҳи, ичкиликбозлик ва гиёвандлик асорати ана шу етти пушт, яъни етти авлоддан биринчи акс сало беради. Биз ўсимирлар билан ҳам учрашиб, ичкиликбозлик ва гиёвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида суҳбатлар уюштиришни режалаштирганмиз.

Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини яратиш, энг биринчи навбатда ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Қолаверса, бу иш нафақат шифокорларнинг, балки ҳар биримизнинг, ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Матлаб РАСУЛОВ,
Сергели туманидаги 1-акusherлик мажмуи бош шифокори, Соғлиқни сақлаш аълочиси.



Ухлаб, ором олгин, овунчоғим

Шарқ дурдоналари



ФЕЪЛЛАРНИНГ ИЧИДА ЁМОНИ ГИЙБАТ...

Дунёдаги энг ярамас феъллардан бири гийбатдир. Куръонда, ҳадисларда ва ўтмиш уламоларининг одоб-ахлоққа оид асарларида гийбат ва гийбатчи кескин қораланади. Аллоху таоло: «Ал-гийбату ашадду миная-з-зино» («Гийбат зинодан ёмон») дейди.

Феълларнинг ичида ёмони гийбат, Дилларни захарлар замони гийбат. Ўқ ила камонсиз ўлдирай десанг, Ажалнинг ўқ ила камони — гийбат.

«Жавоқиҳ ул-жуласо» китобида ёзилишича, Абу Таййиб ат-Тоҳирий дўсти Бани Сомонни тинимсиз гийбат қилар экан. Бир кунки Наср ибн Аҳмад деган киши унга: «Токайча одам гўштига нон қўшиб ейсан?» дейди. Абу Таййиб шу кундан бошлаб гийбат қилишни ташлаган экан.

Гўштни есанг, жонинг оромда, Бақувватсан доим хиромда. Аммо, гийбат гўштини есанг, Умринг ўтар доим харомда.

«Гийбат қабиҳ феъллардан биридир, — деб ёзади олим Хаёлиддин ал-Ҳасаний, — гийбат оз бўлса-да, бироқ умринг зарари кўпдир». Шунинг учун ҳам, Муъиниддин Жувайний «Равзат ул-хулд» асарини давомлаштириб ёмонлаб ёзган эди:

Одат бўлса қар кимга гийбат, Ишонмагин унга ҳеч қачон. Ёмонласа бировни сенга, Ёмонлайди сени ҳам шу он.

Расул алайҳиссалом: «Саййид ут-таъоми-л-лаҳму» («Овқатларнинг шохи гўшдир») деганлар, гўшт кишига ором, тилга маза, иштаҳага равонлик, баданга куч беради. Бироқ, гийбат-харом гўшт бўлиб, ундан фақат зараргина юзланади. Охунд Дарвизанинг «Иршод ут-толибин» китобида ёзилишича, бир кунки ҳазрати Биби Ойша разийаллоху анҳо Расул алайҳиссаломга: «Фалончи аёлнинг этаги жуда узун» дедилар. Расулulloҳ: «Ерга туфла» дедилар. Улар дарҳол туфладилар. Оғизларидан хом гўшт ва қон чиқди. Ҳазрати Биби Ойша: «Бу қандай ҳол?» деб сўрадилар. Расул алайҳиссалом: «Ҳар ким бировни гийбат қилса, унинг гўштини еган бўлади» дедилар.

Юракларнинг ороми гўшдир, Таомларнинг кироми гўшдир. Бир гўшт борки, дунёда харом, Бу гийбатнинг хароми гўшдир.

Таътиль пайтларининг биринчи Марҳаматда эдим. Отамнинг олдларига кирсам бир неча киши ҳузурда ўзларига йигирма йилдан бери озор бериб юрган бир фосиқ одамнинг ярамас хулқлари ҳақида афсусланиб сўзлаётган эканлар. Орқасидан гапириш гийбат бўлади, деб эшитганим учун хайрон бўлиб турган эдим, қийлагохимнинг ўзлари: «Уламо одам бирор киши ҳақида гапирса, гийбат эмас, балки ўтирганларга ибрат учун гапирган бўлади, уламо ўзининг ваъзи орқали одамларнинг кўзини очди ва ёрқин мисоли туйғайли аъли ёмон феълдан қайтарди, бақдирдор ва ярамас одам ҳақида одамларни оғохлантириб қўйиб — гийбат ҳисобланмайдми», деб қолдилар.

Ҳар кишидан бир ибрат ўрган, Уламодан маърифат ўрган. Олимларнинг сўзлари ҳақдир, Демак, ундан ҳақиқат ўрган.

Падари бузрукворининг бу сўзлари мени кўп ўйлантириб юрди. Бир кунки Охунд Дарвизанинг «Иршод ут-толибин» китобида қуйидагиларни ўқиб қолдим ва қийлагохим ҳақ эканига қомил ишонч ҳосил қилдим. Унда шундай дейилган эди:

«Тўрт нарсга бордурким, агар бу нарсалар ҳақида гийбат қилинса, гийбат бўлмайди. Биринчиси, амалдор эолим бўлса, унинг зулми ҳақида гийбат қилинса, гийбат бўлмайди. Иккинчиси, суҳбатдош дўстлар ўзаро суҳбатлашиб ўтирганда, фалончи дўстимиз фалон ярамас ишларни қилмоқда, агар у мазкур ишларни қилмаса эди, яхши бўлар эди, десалар гийбат бўлмайди, балки ғамхўрлик бўлади. Учинчиси, агар бир киши гуноҳдор ва бақдирдор бўлса, унинг ёмонликлари тилга тушса, бу ҳам гийбат бўлмайди, масалан, порахўрлиги, шаробхўрлиги ва бошқа ярамас ишлари. Тўртинчи, бир одам бидъатчи ва залолат аҳли бўлса, бироқ бидъатчиликнинг махфий туйиб юрган бўлса, бошқа киши унинг бу феъллини бошқаларга зикр этса, бу ҳам гийбат бўлмайди, балки савоб бўлади. Бу ҳақда Расулulloҳ (С.А.В.) дан мана бу ҳадис келган: «Ман ахона ли-ахлил бидъати оманохулоху минал фазайил акбар» («Ҳар ким бидъат ахлини хорласа Аллоху таъоло уни Қиёматнинг қийинчиликлари омон сақлайди»).

Мазкур асарда яна зикр қилинишича, бировни қасд қилиб, гина, адоват туйғайли унда йўқ нарсалар билан гапириш ёки баданида бўлган бир жисмоний айби сабабли одамларни қулдириш учун сўзлаш гийбат ҳисобланади.

Одамнинг ёмони гийбатчи бўлар, Дил тўла гумони гийбатчи бўлар. Ҳеч кимни қуролмас ҳасад устиде, Ранглари сомони гийбатчи бўлар.

Китобда кўрсатилишича, ҳар ким бировни гийбат қилиб, сўнг пушаймон бўлса, ҳадисда келтирилган мана бу дуони ўқиса, гийбатчини ҳам, гийбат қилинувчини ҳам Худодий таоло кечиради: «Аллоҳум-мағфир лано ва лиман игтибноху бирохматика ё архамар раҳимийн» (маъноси: «Эй Бор Худое, бизнинг гуноҳимизни ҳам ва биз гийбат қилган кишининг гуноҳларини ҳам мағфират қилгайсан»).

Бироқ, доимо гийбат билан шуғулланиб, тавба қилмаган одамнинг ҳолига войки, қиёмат куни уни оғир азоблар кутади.

Гийбатчи одамнинг оғир гуноҳи, Ҳеч кимса бўлмагай унинг паноҳи. Қиёмат куниде кутиб олажак, Оғзини ланг очиб жаҳаннам чоҳи.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

* Киром — азиз.

«Нон байрами»

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Нон байрами» сайли бўлиб ўтди.

Таъдбир давомида «Гуллар экибани», «Хар бир бошга нон», «Рақс санъати», «Табиат ҳақидаги энг яхши кўшиқ», «Халқ талантилари» сингари кўрик-танловлари ўтказилиб унинг иштирокчилари маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳо-ланган. Сўнг ўзбек, украин, татар, рус халқларининг қўй ва кўшиқлари, фольклор айтишувлари, қозонавий ўйинлари, ёшларнинг замонавий рақслари ижро этилди.

Рус, украин, татар, дунган, қирғиз, туркман, корейс новвойлари, ошпазлари, қандолатчилари ўз кўллари билан тайёрлаган нон маҳсулотлари ва пиширилган кўргазмаларини ташкил этдилар. Тўрт соатга яқин ўтказилган байрам таъдбиринан сўнг қатнашчилар оила аъзолари билан боғ сайлида иштирок этдилар, ўйин-қўллардан фойдаландилар. Қўриқ-танлов гойиблари эса эсолик совғалари билан тақдирландилар.

Ноҳира БАХРОМОВА

ТАЪЛИМ

Амалиётга пухта замин

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини ҳузурида шаҳар шифокорлар ўқув марказига фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлганига йўқ. Бу орада қатор ибратли таъдбирлар амалга оширилди.

Бу ерда «Саломатлик» лойиҳаси доирасида ҳам яхши ишлар қилинмоқда. Шифокорларнинг умумий амалиёт маҳоратини ошириш курслари машғулотлари ҳам йўлга қўйилди. Қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари учун ташкил этилган ўқув курслари ҳам яхши самара бермоқда.

Янги ўқув йили олдидан амалга оширилган таълимий таъдбир ҳам эътиборни ўзига тортади. Дарсларни яхши ўзлаштириб, чет тилларда бемалол сўзлаша оладиган иқтидорли талабалардан ун нафари умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш дастури бўйича билим олиш ҳужжтини қўлга киритди. Улар олий ўқув юртининг 7-курс талабаси бўлиб, мазкур дастурни тўла ўзлаштирдилар.

Шунингдек, 7-курс талабалари учун бир ҳафталик махсус ўқув машғулотли йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

Учинчи фасл. Куз

Олтмиш беш ёшгача бўлган давр, одамзод умрининг кузи ҳисобланади. Кузда ҳамма нарса пишиб етлади. Она ер ўз саховатини, борлигини кўрсатмоқда. Ниҳоллардаги гарк-пишиб етилган меваларни кўриб кўзинг қувонади, авайлаб, асрагинг келади. Уларга қараб қилган меҳнатларинг зоё кетмаганини кўриб, завқланиб мағрур боқсан. Қўлингни фотиҳага очиб, дуо-лар қилсан. Ахён-ахёндаги этни жунжиқтирувчи изгиринлар киши яқинлашиб, эшик қоқайтганидан хабар бермоқда.

БИРИНЧИ ФАСЛ. УМР БАХОРИ

Инсон ҳаёти ҳам жонли табиатнинг тўрт фаслига ўхшайди. Умр баҳорининг йигирма беш ёшгача бўлган даврга ўхшатиш келади. Унда янгилиниш, ул-гайиш фарзандларини авайлаб воёга етказиш каби бетакрор хислатлар бор. Тарбиялаб ўстираётган ниҳолларнинг соғлом, бақувват ўсаётганини, ҳадемай

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Умр зарварақлари

шундай илиқ сўзлар, мақтовлар, хурмат-иззат унда энг ҳавфли иллат кибр-хавонини уйдотди. Ўзидан катталарни менсимайдиган бўлди, инсонийликка ярашмайдиган қилиқларга хирс қўйди... Охир-оқибатда одамлар назаридан қолди, шармандаларча ишдан кетди, эл-юрт олдига юзи шувит, дили вайрон бўлди. Энг ачинарлиси, бировнинг кўзига боқолмайдиган, тий-маъракаларда катнаша олмайдиган ҳолатга тушиб, одамлар орасида танҳоликка юз тутди. Нам теккан хом ёшит уваланиб, ҳеч нарсасига ярамаганидек, у киши ҳам эл назаридан қолди.

Иккинчи бир воқеа мустақиллик йилларида юз берди. Туманимиздаги йирик ҳўжаликларнинг бирида давр тақозоси билан рақбар алмаштирилди. Янги рақбар ёш бўлишига қарамай, оқ-қорани таниган, ақлли, ўз ишининг билимдонини эди. Келган куннинг эрта-сизгаёқ, аввалги рақбарни излаб борди, кўнглини сўради, ҳўжалиқни оёққа турғизишдаги хизматларини эслашди ва ундан «оқ фотиҳа» олди. Қийналган дейҳонларда қариялардан, миришқор пайтонлардан қолаверса, илгариги рақбардан маслаҳатлар сўради, у сўяниб ишлаган мутахассислар билан бир тан, бир жон бўлиб ишлади.

Натижада, шароити қийин бўлган ҳўжалиқ оёққа турди ва илгор ҳўжалиқ-

ТАЪЛИМ

Амалиётга пухта замин

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини ҳузурида шаҳар шифокорлар ўқув марказига фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлганига йўқ. Бу орада қатор ибратли таъдбирлар амалга оширилди.

Бу ерда «Саломатлик» лойиҳаси доирасида ҳам яхши ишлар қилинмоқда. Шифокорларнинг умумий амалиёт маҳоратини ошириш курслари машғулотлари ҳам йўлга қўйилди. Қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари учун ташкил этилган ўқув курслари ҳам яхши самара бермоқда.

Янги ўқув йили олдидан амалга оширилган таълимий таъдбир ҳам эътиборни ўзига тортади. Дарсларни яхши ўзлаштириб, чет тилларда бемалол сўзлаша оладиган иқтидорли талабалардан ун нафари умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш дастури бўйича билим олиш ҳужжтини қўлга киритди. Улар олий ўқув юртининг 7-курс талабаси бўлиб, мазкур дастурни тўла ўзлаштирдилар.

Шунингдек, 7-курс талабалари учун бир ҳафталик махсус ўқув машғулотли йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

Эътиқод — шундай бир улўғ неъматки, бу муқофотга ҳар ким ҳам мушарраф бўла олмайд. Эътиқодсиз инсон юраксиз танлага, баргсиз дарахтага ташбехдир. Зеро, фақат ҳақиқий собит эътиқодли инсон дилида ўчмас муҳаббат, меҳр, лафз, самимийлик макон топади.

Бир сўз билан айтганда, эътиқод башарнинг инсонийлигини, унинг ўзлигини англатувчи ва иймон билан боғловчи илоҳий ришталар. Томирда эътиқод қони оққан инсон — ватанпарвар, элларвар ҳамдир. Чунки унинг юрт келажакига бўлган қарашларини ҳеч бир нарсга ўзгартири олмайд. Ушбу суҳбатимизда мана шу нодир хислатлар дурларидан иборат маржон ясаҳча баҳоли қудрат уриниб кўрамиз.

Фарзанд борки, у хоҳ ўнли, хоҳ қиз бўлсин буюк сиймо — онани «Онажон», «Қаъбам», «Кўзим нури», «Қўшим» каби жарангдор сўзлар билан мадҳ этиш эмас, балки бу улўғ зот олдидеги фарзандлик бурчини олдидеги беминнат бажарасинга инсонийликнинг энг олий фазилатини бажо этган бўлади. Ватан ҳам она. Онани тилга олсак кўз ўнгимизда Ватан, Ватан номини лўф эт-сак Она гавлаланади. Ҳамонки, шундай экан, «Ватаним», «Она-Ватан», «Ватан — саждагоҳим» деган сўзлар билан кўксига уриш эмас, ақинча юрт, эл олдидеги муқаллас бурчини камтаринлик билан, доврुकенз адо этиш юксак эътиқод, иймондандир.

Ватанини тил билан эмас, дил билан, сурат билан эмас, сийрат билан севмоқ виждонли инсонларга ҳосидр. Яъни онанинг оқ сўзини-ю Ватанининг оқ тўзини оқлаш ҳазрати Инсоннинг муқаллас бурчидир...

Кўпчинача ёш авлод онгига ватанпарварлик туйғуларини сингирмоқ ниятида турли таъдбирлар ташкил этилади, маърузалар ва суҳбатлар уюштирилади.

«УМР ЛАҲЗАЛАРИ» ТУРКУМИДАН

ЭЪТИҚОД

Албатта бу ҳам бир услуб. Аммо айрим ўзаро суҳбат жараёнларини кузатар эканмиз, эндигина ҳаёт деган улкан тўқилни уммонга кemasини тайёрлаётган ёшларимизнинг «Ватанини севиш, унга муносиб фарзанд бўлиш» каби мавзулардаги қуруқ саволларга зўрма-зўраки жавоб беришлари, бейхитёр китобий сўзлардан ёл омишларидан қўзланган мақсадга эришиб бўлармикан. Бинобарин, ватанпарвар деган улўғ тушунчани ёшларимиз онгига қуруқ назария билан эмас, балки амалиёт воситасида сингдириш мақсадга мувофиқдир. Токи юрт фарзанди бу хислатни атрофларидан ўргансин. Ўз кўзи билан кўрсин, дилдан ҳис этсин. Ана шундан сўнггина улар қалбда эътиқод пайдо бўлади.

Кўп ҳолларда элу юртва хизмат этишда айрим инсонлар дилида бурч ва холисликдан кўра кўпроқ миннат туйғуси устуи туради. Айрим худбинлар онгиде эса ҳўжақўрсинга меҳнат қилиб кўпроқ шон-шўрратта эришиб, муқофотларга сазовор бўлиш иштиёқи ҳўкморонлик қилади. Фикри ожимжма, муқофотга халқнинг огирини енгил қилган, юрт иқтисодиёти ва равнақига ҳисса қўшган,

давлатимиз сиёсати ва мафқураси учун жонбозлик қилган ҳақиқий шахслар муносибдир.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Бинобарин кеча қилиб қўйган гуноҳудан қутулиш йўлини излаб юрган шахснинг таниш-билиш йўли билан вази-фаларга танишланганининг ҳам гувоҳи бўлдик. Хайрият, минг шўқрки, бундай далиллар эндиликда ўтмиш сарқити бўлиб қолди...

Ватан — миллат танламайди. Мақсуд Шайхзода — асли озар фарзанди, аммо юксак эътиқодли, юрт муҳаббати уни ўзбек халқининг атоқли фарзандига айлантирди. У энг оғир дамлара, ҳатто ўзимизда журят етишмаган кезларда Улуғбек, Мангуберди каби улўғ аждод-

